



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2019 йил 24 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 201 (14.048)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МДХ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ РАИСИ – ИЖРОЧИ КОТИБИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 декабрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидан кузатувчилар миссияси бошчилигида мамлакатимизда бўлиб турган МДХ Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби Сергей Лебедеви қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга навбатдаги сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида МДХ миссияси фаол ишлаганини таъкидлади.

Сергей Лебедев сайловни кузатишда иштирок этиш таклифи, қолаверса, Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар ва Ижроия қўмитадан 180 вакилдан иборат МДХ кузатувчилар миссиясининг самарали фаолиятини таъминлаш йўлида яратилган қулай шароитлар учун самимий миннатдорлик билдирди.

ЎЗА

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЕХҲТ ПАРЛАМЕНТ АССАМБЛЕЯСИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 декабрь куни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент ассамблеяси (ЕХҲТ ПА) раиси Георгий Церетелини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз 2018 йилда ушбу тузилмадаги иштирокини қайта тиклаганидан буён ўзаро муносабатлар сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилгани ва ижобий суръатларда ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Бугунги кунда 2019-2020 йилларда ЕХҲТ Парламент ассамблеяси билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича "йўл харитаси" амалга оширилмоқда. Ўзбекистондаги сайловларни кузатишда илк марта ушбу тузилманинг элликка яқин вакилдан иборат делегацияси иштирок этаётгани қайд этилди.

Георгий Церетели Президент Шавкат Мирзиёевга самимий қабул ҳамда тузилма билан ҳамкорлик фаоллашгани учун миннатдорлик билдирди.

ЕХҲТ ПА раиси Ўзбекистоннинг

ассамблеядаги иштироки ЕХҲТга аъзо давлатлар қонун чиқарувчи органлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш доирасида мамлакатнинг манфаатларини илгари суришда янги имкониятлар очганини таъкидлади.

Меҳмоннинг фикрича, бўлиб ўтган сайловлар Ўзбекистон учун тарихий аҳамиятга эга, чунки улар кенг қўламли ислохотлар даврида, ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюросининг тавсиялари ҳам ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган янги Сайлов кодекси асосида ўтказилди.

Учрашув сўнггида ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги сайловларни кузатиш бўйича узоқ ва қисқа муددатли миссияларининг фаолиятига қулай шароитлар яратилгани учун миннатдорлик билдирилди.

ЎЗА



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги 125-мактаб-интернатга ўзгача Янги йил байрами шукруҳини улашти. Мактаб-интернатда таълим-тарбия олаётган кўришда нуқсон бўлган ўқувчиларга агентликнинг "Кўнглик кўзи" лойиҳаси доирасида ташкил этилган "Совгалар қарвони" хайрия акциясининг турли ширинликлардан иборат Янги йил совгалари ва 38 турдаги Брайль алифбосида чоп этилган китоблар, аудиокитоблар, замонавий ахборот-коммуникация жиҳозлари, спорт анжомлари, мусиқа асбоблари тантанали топширилди.

● Ўзбекистондаги энг йирик қишки сайёҳлик объекти – "Амирсой" тоғ-чанги курорти фойдаланишга топширилди. Мазкур дам олиш мажмуаси жойлашуви жиҳатидан жуда қулай ва ўрта фусункор Бўстонлик туманининг тоғли ҳудудида бунёд этилди. Унинг умумий майдони салкам 900 гектарга тенг. Ушбу лойиҳа тоғ-чанги курортлар куриш соҳасида 30 йиллик таърибга эга "PGI Management" (Андорра) компанияси томонидан амалга оширилди. Лойиҳалаштириш ва жиҳозлаш жараёнлари эса Италия, Германия, Австрия, Аргентина, Испания ва Дания каби давлатлардан етакчи компаниялар жалб этилди. Натижада атиги икки йил ичида қишки спорт турлари ишқибозлари учун замонавий мажмуа вужудга келди.

● Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига Қирғизистон Миллий Ёзувчилар уюшмаси делегацияси ташриф буурди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш юзасидан бўлиб ўтган учрашувда ижодкорлар асарларини ўзаро таржима қилиш, бунда, айниқса, адабиётнинг эртаси бўлиши ёшлар ижодига алоҳида эътибор қаратиш, биргаликда адабий учрашувлар ва мулоқотларни фаоллаштириш борасида фикрлар алмашилди. Учрашув чоғида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Қирғизистон Миллий Ёзувчилар уюшмаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

● Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобоқаров Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи раҳбарлик қилаётган 3-сектор штабида сайёр қабул ўтказди. Ички ишлар вазири 3-сектор штабининг Жиззах шаҳридаги "Ўрда" экологик боғи ҳудудида яқинда фойдаланишга топширилган янги биносидан яратилган шарт-шароитлар билан танишди. Сектор идорасида мурожаатларни қабул қилиш, ҳудуд бошқаруви ташкил этилиши учун барча қулайлик яратилган. Янги бинода "Ўрда" экологик боғи учун ситуация марказ ишга туширилган. Марказ томонидан 42 гектарлик майдон боғ ҳудудига ўрнатилган 78 та видео ускуна орқали кузатиб турилади. Яқинда кузатув камералари сонини 138 тага етказиш кўзда тутилган.

ЖАҲОНДА

● Марсда мустақил фаолият юритиши мумкин бўлган манзил куриш учун 1000 га яқин Starship кемаси ва камида 3 миллион тонна ресурслар ва жиҳозлар керак бўлади. Бу ҳақда SpaceX компанияси раҳбари Илон Маск маълум қилди. Маскнинг қайд этишича Ер ва Марс икки йилда бир марта парвозлар учун етарли массафага яқинлашади. Шу сабабли юкларни етказишга тахминан 20 йил талаб этилади. Маълумот учун, айтиш жоизки, жорий йилнинг 29 сентябрь куни Маск юк ва космонавтларни Ой ҳамда Марсга етказишга мўлжалланган Starship кемасини тақдим этди. Марсга илк парвоз 2024 йилга мўлжалланган.

● Швейцарияда режага мувофиқ дастлабки атом электр станциясининг фаолияти тўхтатилди.

● 2020 йилги Ўзбекистон Олимпиада ўйинлари ўтказиладиган Токиодаги Миллий стадионининг расман очилиш маросими бўлиб ўтди.

СЕРГЕЙ ЛЕБЕДЕВ: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ САЙЛОВ ОРҚАЛИ ЎЗИ БАРПО ЭТМОҚЧИ БЎЛГАН ЯНГИ ҲАЁТНИ КЎРДИ

МДХ Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби Сергей Лебедев давлатимиз раҳбари билан учрашувдан сўнг Ўзбекистонда ўтган сайловлар ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчилар миссияси фаолияти ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашувда мен нафақат Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчилар миссияси ҳақида маълумот бердим, балки МДХ Ижроия қўмитаси раиси сифатида Ўзбекистоннинг МДХда раислиги иштирокларини муҳокама қилдим. МДХда илк бор раислик қиладиган Ўзбекистон учун бу жуда муҳим. 2020 йилда кўлаб тadbирлар кўзда тутилган. Тошкентда МДХ Давлат ва Ҳукумат раҳбарлари кенгашлари мажлиси, ташкилотнинг тармоқ кенгашлари ййғилишлари ўтказилди. Иқтисодий ҳамкорликка устувор аҳамият қаратилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистонда иқтисодий алоқаларимизни мустаҳкамлашга қаратилган кўлаб тadbирлар ўтказилди режалаштиряймиз. МДХ Иқтисодий кенгаши мажлиси, МДХ иқтисодий форуми, Савдо-саноат палаталари раҳбарлари учрашуви шулар жумласидан.

Сайловда миссиямиз самарали фаолият олиб борди. Муҳим сиёсий жараёнда аҳолининг кайфияти намоян бўлди. Ўзбекистон халқи сайлов орқали барпо этмоқчи бўлган янги ҳаётни, орзу-интилишлари, фаровонлик, барқарорликни кўрди. Бу жуда муҳим. Уйлайманки, Ўзбекистон раҳбарияти бошлаган ва халқнинг томонидан қўлаб-қувватланаётган ислохотлар албатта амалга ошадди, мамлакатингиз янада тараққий этишига хизмат қилди.

ЎЗА мухбири
М.ЭЛМУРОДОВ
ёзиб олди

САЙЛОВЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломов 23 декабрь куни мамлакатимиз Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига сайловларнинг дастлабки натижалари ҳақида ахборот берди.



Таъкидланганидек, 23 декабрь куни бўлиб ўтган сайловларга кўрилган жиддий тайёргарлик муҳим сиёсий жараённинг қонун талаблари асосида, юксак ташкилий даражада ўтишини таъминлади.

Сиёсий жараёнда юртдошларимиз ўз фуқаролик масъулияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларга дахлдорлик тўғрисида фаол намоён қилди. Жумладан, чет элданги юртдошларимиз билан қўшиб ҳисоблаганда 13 миллион 963 минг 627 сайловчи сайловда иштирок этди. Бу сайловчилар умумий сонининг 67,8 фоизини ташкил этади. 150 минг сайловчи муددатидан олдин овоз бериш имкониятидан фойдаланди.

Сайловларда биринчи марта ҳорижда истиқомат қилаётган барча ватандошларимиз учун овоз бериш имконияти яратилди. Авваллари фақат консуллик ва қолатхоналаридан расман рўйхатдан ўтган Ўзбекистон фуқароларига сайловларда қатнашар эди. Бу йил 40 га яқин мамлакатда ташкил этилган 55 сайлов участкасида 112 минг 411 сайловчи овоз берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказуви 150 сайлов округининг 128 тасида депутатлар сайланди. Дастлабки маълумотларга кўра, Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 43, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан 35, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан 21, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 18, Ўзбекистон Экологик партиясидан 11 депутат сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига кўра, овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини, яъни 50 фозидан ортқ овоз олган номзод депутат этиб сайланган, деб ҳисобланади.

Қонунчилик палатасига сайлов ўтказуви 22 округда номзодларнинг бирортаси ҳам етарли миқдорда овоз ололмагани сабабли мазкур округлардан депутат сайланмади.

Сайлов кодексининг 59-моддасига асосан, агар

Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловида сайлов округи бўйича икки нафардан ортқ номзод кўйилган бўлса-ю, улардан ҳеч бири сайланмаса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки номзод бўйича округда такрорий овоз беришни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади ва бу ҳақда тегишли сайлов комиссиясини ҳамда округ сайловчиларини хабардор қилади. Такрорий овоз бериш икки ҳафталик муددатда ўтказилади.

Ахборотда қайд этилишича, давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўтказилган сайлов бўйича сайловга доир қонунчилик талаблари қўпол равишда бузилгани ҳолатлари ҳақида хабар ва маълумотлар тушмаган. Марказий сайлов комиссиясига сайловчилар ва ижтимоий тармоқлардан сайловларни ўтказиш жараёнига доир ҳолатлар бўйича бир нечта мурожаат, ариза ва шикоятлар, шунингдек, қонун бузилиши билан боғлиқ маълумотлар келиб тушди. Уларнинг барчасини қонунда кўрсатилган муددат ва тартибда кўриб чиқиш ва ҳал этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси раиси таъкидлаганидек, дастлабки таҳлиллар сайлов кампаниясида бир қатор камчиликлар кузатилаганини ҳам кўрсатган.

Жумладан, Тошкент шаҳрида овоз беришда сайловчиларнинг бошқа вилоятлардаги сайловчилар сонига нисбатан пастилиги кузатилди. Бу эса кўпчилик йирик шаҳарлар аҳолисига хос тенденциядир.

Баъзи сайлов участкаларида "оливайи овоз бериш" ҳолатлари аниқланган. Сайлов бюллетенларига сайловчилар томонидан қўйилган имзоларнинг ўхшашлиги, баъзи ҳудудларда овоз бериш куни электр энергиясидаги узиллишлар сабабли Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати тизимидан фойдаланишнинг имкони чеклангани кузатилган.

Мавжуд камчиликлар келгуси сайловларда, албатта, эътиборга олиниб, тизим янада такомиллаштирилиши айтилди.

ЎЗА

САЙЛОВЛАР ҲУКУМАТНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРГА НИСБАТАН ҲУРМАТИ ОШИБ БОРАЁТГАН ШАРОИТДА БЎЛИБ ЎТДИ

ЕХҲТ расмий веб-саҳифасида 23 декабрь куни ЕХҲТ ДИИХБ миссиясининг жорий йил 25 ноябрдан 25 декабргача Ўзбекистон Республикаси парламент сайловларининг кузатувлари натижалари тўғрисида эълон қилинган дастлабки ҳисоботининг асосий хулосаси шундан иборат.

Ҳисоботда таъкидланишича, сайловлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йилдан Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда ўзгаришларни босқичма-босқич амалга оширишга қаратилган кенг қамровли ислохотлар доирасида ўтказилди. Шу билан бир-

га, "Янги Ўзбекистон – янги сайловлар" шиори остида Олий Мажлисга ўтказилган сайловлар модернизация ва демократлаштириш жараёнидаги муҳим босқич бўлиб, Ўзбекистон раҳбарининг таъбири билан айтганда, орта қайтариб бўлмайдиган хусусиятга эга экани алоҳида қайд этилган.

ЕХҲТ янги қабул қилинган Сайлов кодексига илгари ЕХҲТ ДИИХБ томонидан берилган тавсиялар мавжуд бўлиб, ушбу тавсиялар сайловларнинг ҳуқуқий асосларини халқаро стандарт ва ЕХҲТ мажбуриятларига яқинлаштирганини эътироф этади.

(Давоми 2-бетда)

САЙЛОВЛАР ҲУКУМАТНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРГА НИСБАТАН ҲУРМАТИ ОШИБ БОРАЁТГАН ШАРОИТДА БЎЛИБ ЎТДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ДИИХБ ҳисоботида сайловларда 1999 йилдан буён илк бор очиқлик ва шаффоқлик ошгани қайд этилди. Сайлов кампанияси ҳукуматнинг сўз ва фикр эркинлигига нисбатан ҳурмати ортиб бораётган шароитда ўтгани таъкидланди. ЕХХТ экспертларининг фикрича, бу ОАВга сайлов жараёнларини кенг ёритиш имконини берди. Бундан ташқари, амалга оширилган ислохотлар фуқаролар ва сиёсий партиялар учун очиқнамега сиёсий таклифлар билан чиқиш ва ҳукуматга нисбатан танқидий муносабатда бўлиш имконини бергани ЕХХТ томонидан юқори баҳоланди.

Ҳисоботда дебатларнинг жонли эфирда тез-тез ўтказилгани энг муҳим янгилик сифатида таъкидланди. Мустақил шарҳларнинг муҳим манбаи сифатида қўрилган блогерлар таъсири ортиб бораётгани қўрсатиб ўтилган. ЕХХТ қўзғувчилари миллий озчиликнинг ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари кузатилмаганини таъкидлаган.

Шунингдек, илк бор Сайлов кодекси билан партияларнинг бир ой муддат давомида ўз веб-сайтлари ва ОАВда сайлов кампанияси доирасида молиявий маблағларнинг сарфлаши ҳақидаги ҳисоботларни эълон қилиш бўйича мажбурият ва сайлов қўзғувчиларининг бузилишини аниқлайдиган юридик воситаларни таъминловчи оқилона ҳуқуқий чегаралар белгилаб қўйилгани эътироф этилган.

Алоҳида қайд этилишича, сайловда 820 дан ортиқ ҳалқаро қўзғувчи ва 15 нафар хорижий журналист иштирок этган ва улар учун сайлов жараёнининг барча жабҳаларига тенг ва тўқисиз кириш имконияти яратилган. ЕХХТ ҳужжатида давлат ва жамоат бошқар

ув тизимидаги, сайлов амалиётидаги бир қатор ижобий ўзгаришлар ҳам қайд этилган.

Шу билан бирга, ЕХХТ миссиясининг ҳисоботида сайлов қўзғувчилари ва сайлов амалиётига таъминлаштиришга қаратилган қатор тавсиялар мавжуд.

Тўхмат қилиш, фуқароларнинг кадр-қимматини камситиш ва ёлгон маълумот тарқатиш учун жиноий жазоларни беқор қилиш таклиф этилади. Зеро, бу миссиянинг фикрича, журналистлар фаолиятини ва фикр эркинлиги ҳуқуқини сезиларли даражада чеклайди. Шу муносабат билан ЕХХТ ДИИХБ Президенти Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига энди тўхмат ва ҳақоратлар қамок жазоси билан жазоланмаслиги учун қонунларга ўзгаришлар киритиш бўйича топшириқ берганини қўллаб-қувватлайди.

Бундан ташқари, ЕХХТ ДИИХБ миссиясининг таъкидлашича, депутатликка номзодлар учун овоз бериш кўнига қадар мамлакатда қамда беш йил яшаган бўлиши лозимлиги ҳақида белгиланган талаб ҳам намуналий сайлов амалиётига мос келмайдиган.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга сайловда овоз бериш ҳуқуқини бериш, шунингдек, фуқароларга мустақил номзод сифатида иштирок этиш имкониятини қўриб чиқиш таклиф этилади.

ЕХХТ миссиясининг фикрича, ҳозирги вақтда аёллар мамлакат жамоат ва сиёсий ҳаётида етарли даражада фаол қатнашмаяпти. Гендер тенглик кампаниянинг энг чекланган мавзуси эди ва ушбу мавзу оммавий ахборот воситаларида муҳокама қилинмади, аксинча, асосан эркак номзодларга эътибор қаратилди. Шу билан бирга, ДИИХБ миссияси Марказий сайлов комиссиясида аёллар сони 3 нафардан 7 нафарга ошган, сайлов органларида эса 49 фоизга етганини қайд

этан. Номзод сифатида кўрсатилган аёллар сони 41 фоиздан ошгани ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган.

ДИИХБ миссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 22 июндаги Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисидаги нутқида аёлларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва ролини янада кучайтириш муҳимлиги тўғрисидаги фикр-ривож келтириб ўтган.

Қолаверса, миссия, овоз бериш кўни сайлов участкаларида гуруҳ-гуруҳ бўлиб овоз бериш ҳолатлари, сайловчиларни рўйхатга олиш ва овозларни санаш жараёнида қўзғувчилар камчиликлари ва яқиний протоколларни тўлдиришда қийинчиликлар кузатилаганини қайд этган. Таъкидлаш жоизки, сайлов кўни Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда сайлов қўзғувчилари бузилиши ҳолатлари учраганини тан олди ва ҳозирги вақтда ушбу ҳолат юзасидан тегишли текширувлар ўтказилмоқда.

Миссия ўз хулосасида Марказий сайлов комиссияси ва Ташқи ишлар вазирлигига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловларни кузатишга таклиф этилгани учун миннатдорлик билдирган.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистонда бўлиб ўтган сайловларда биринчи мартаба ЕХХТ ташкилотига аъзо бўлган 37 давлатдан 316 нафар кенгайтирилган қўзғувчилар делегацияси, жумладан, ЕХХТ ДИИХБдан 271 нафар ва ЕХХТ Парламент ассамблеясида 45 нафар қўзғувчи қатнашди.

Шунингдек, олдинги ҳисоботлардан фарқи ўлароқ, ушбу ҳисоботда ЕХХТ Парламент ассамблеяси делегациясининг қўзғув натижалари ҳам эътиборга олинган.

Ўза

ШҲТ ҚУЗАТУВЧИЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВЛАР МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТГАНИНИ ЭЪТИРОФ ЭТДИ

Халқаро матбуот марказида мамлакатимизда бўлиб ўтган парламент сайловларини кузатиш учун юртимизга ташриф буюрган ШҲТ миссияси вакиллари иштирокида пресс-брифинг бўлиб ўтди.

ШҲТ Бош котиби Ўринбосари, ШҲТ қўзғувчилари раҳбари Се Сюан миссия 15 йилдан бери фаолият юритаётгани, Ўзбекистонда фаолият олиб борган гуруҳ тартибда Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Хитой, Покистон, Тожикистон каби давлатлардан 20 нафар қўзғувчи борлигини таъкидлади.

Ўзбекистонга 2019 йил 16 декабрь кўни келган ШҲТ миссияси аъзолари сайлов кўнига қадар сайловга тайёргарлик жараёни билан танишди. Ўзбекистонда сайловни демократик тарзда ўтказиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан қатор ижобий ишлар амалга оширилгани, хусусан, сайлов участкаларида сайловчилар учун барча шароит яратилгани, ҳалқаро стандартларга мувофиқ келадиган, сайловга оид бир неча қонунларни бирлаштирган Сай-

лов кодекси қабул қилингани эътироф этилди.

ШҲТ миссияси аъзолари Тошкент, Фарғона, Наманган, Андижон, Самарқанд, Бухоро вилоятларидаги сайлов участкаларида бўлиб, тайёргарлик жараёни ва сайловнинг боришини баҳолашга қўзғувчилар диққатини тортиди.

Аҳоли сайловларда фаол иштирок этди. Қўзғувчилар сайловдан олдин ҳам, сайлов кўни ҳам фуқаролар ҳеч қандай эътироз, шикоят билдирмаганини қайд этди. Учрашув сўнггида ШҲТ мутасадди вакили Ўзбекистонда сайловлар шаффоф, демократик тарзда муваффақиятли ўтгани билан халқимизни табриклади.

Ўза

ХАЛҚАРО ҚУЗАТУВЧИЛАР: САЙЛОВ ЮҚОРИ ДАРАЖАДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 23 декабрь кўни халқаро қўзғувчи, Малайзия парламенти қўйи палатаси вице-спикери Мох Рашид бин Ҳасон бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда 22 декабрь кўни бўлиб ўтган Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлирига сайловлар юзасидан фикр алмашилди.

Малайзия парламенти аъзолари сайлов юқори уюшқоқликда ўтганини алоҳида таъкидлади. Сайловнинг очиқ, ошқоқ ва тенг ҳуқуқлиликлари асосида ташкил қилингани қайд этилди. Овоз беришнинг ягона электрон рўйхати жорий этилгани сиёсий тадбирнинг ижобий жиҳатларидан биридир. Кейинги сайловларда замонавий ахборот технологияларидан янада кенг ва самарали фойдаланиш имкониятларини қўриб чиқиш таклиф қилинди.

Олий Мажлис Сенатида навбатдаги учрашув Осий Парламент Ассамблеяси бош котиби Мухаммад Ризо Мажидий билан ташкил этилди.

Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Алишер Курманов билан суҳбатда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилган ислохотларга юқори баҳо берилди. Ўзбекистондаги бу галги сайловлар мутлоқ янги шакл ва мазмун касб этгани, бу Осийнинг қўлгана давлатлари учун катта таъриб экани алоҳида таъкидланди.

Тошкент шаҳридаги бешта сайлов участкасида бўлдим, – дейди Мухаммад Ризо Мажидий. – Барчасида сайловчилар овоз бериши учун зарур шароитлар яратилган. Янги сайланган депутатлар халқ фановонлигини юксалтириш, парламент дипломатиясини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишига ишонаман.

Олий Мажлис Сенати аъзолари сайловда халқаро қўзғувчи сифатида иштирок этган Грузия парламенти депутатлари билан ҳам учрашди.

Томонлар Ўзбекистонда ўтган сайлов ва икки мамлакат парламентарлари муносабатларини ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашди.

Ўтказилган сайлов ҳақида сўз борар экан, Грузия парламенти аъзолари овоз беришининг барча босқичларида фуқароларнинг юқори даражадаги фаоллиги кузатилаганини қайд этди.

Миср Араб Республикаси Вакиллар Мажлиси Ижтимоий бирдамлик, оила ва нағиронлар қўмитаси раиси Абдулҳодий Аҳмад Абдулҳодий Ал-Касабий билан мулоқотда фуқароларнинг сайловга қизиқиши юқори экани қайд этилди.

Ўзбекистонда қўнунчилик органлари томонидан сайлов ҳуқуқи ва жараёнига киритилган ўзгариш ва янгиликлар халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келиши билдирилди.

Мисрлик меҳмон янги Сайлов кодекси мазкур йўналишда олиб бораётган ислохотларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини алоҳида қайд этди.

Кўнунлик иккинчи ярмида Сенат аъзолари халқаро қўзғувчи – Малайзия ташқи ишлар вазирлиги Жанубий ва Марказий Осий мамлакатлари билан ҳамкорлик департаменти бошлиги Мухаммад Азхар Маслан билан учрашди.

Учрашувда мамлакатимизда юқори даражада ташкил этилган сайлов ва унга қўрилган ҳозирлик масалалари муҳокама қилинди. Томонлар парламентарлари ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболларини қўриб чиқди.

Мухаммад Азхар Маслан таъкидлаганидек, сайловлар депутатликка номзодлар ўртасида ҳалол рақобатни намойён қилди. Буни сиёсий партиялар вакиллари иштирокида ўтган дебатлар ҳам таъкидлади.

Бухоро шаҳридаги сайлов участкаларида бўлиб, одамларнинг овоз бериш жараёнига оливланган ҳолати ҳақида бўлдим. Бунинг барчаси ёш авлод учун катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Тадбирда томонлар мазкур сиёсий тадбир чинакам демократик андозаларга мувофиқ ўтгани, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўсини яна мустақамлашга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Абдулазиз МУСАЕВ,
Ўза мухбири

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Замонавий дунёда хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг энг истиқболли ва жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Кўрсатилаётган бозор хизматлари турларининг рўйхати жуда килма-хилдир.

транспорти орқали кўрсатилган хизматлар (60,0 фоиз) эгаллайди. Бу унинг ҳаракатчанлиги, юқорлиги (йўловчиларни) йўлда бошқа транспортга қўшимча юклардан (ўтказмасдан) “Эшикдан эшиккача” етказиб беришда қўлайлиги, транспорт воситасининг ҳаракатлантиришда мустақиллиги билан изоҳланади.

Шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори технологик хизматларнинг янада ривожланиши, хизматларнинг янги турларини кенгайтирилиши, кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини яхшилашни алоҳида ва ахборотлаштириш хизматларининг ошишига таъсир кўрсатди. Алоҳида ва ахборотлаштириш хизматларининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,4 фоиз ўсиб, 5 302,6 млрд. сўми ташкил этди (жами хизматлардаги улуши 9,0 фоиз ташкил қилади).

2019 йил январь–ноябрь ойда транспорт хизматлари ҳажмини ошишига таъсир қилган омиллардан бири йўловчи ва юқорлиги ташкилларига бўлган талабнинг ошиши ҳисобланади.

Транспорт хизматлари умумий ҳажмида энг катта улушни автомобил

Жорий йилнинг январь–ноябрь ойларида Тошкент шаҳрида 14 038,3 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 129,8 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, йирик ташкилотлар томонидан қурилиш ишлари ҳажми 3 746,6 млрд. сўми эки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 158,1 фоизни ташкил қилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 26,7 фоизни ташкил қилди.

Мос равишда, кичик қорхона ва микрофирмалар 8 148,2 млрд. сўм эки 120,5 фоизни (жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 58,0 фоиз) ҳамда норасмий сектор 2 143,6 млрд. сўм эки 127,5 фоиз (жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 15,3 фоизни) ташкил этди.

Туманлар кесимида қурилиш ишларининг катта қисми Миробод туманида ба-

жарилган бўлиб, шаҳарда бажарилган жами қурилиш ишларининг 15,5 фоизини ташкил этди, Мирзо Улуғбек туманида бажарилган қурилиш ишлари эса 12,8 фоизни, Юносувоб туманида 12,4 фоиз, Шайхонтоҳур туманида 10,7 фоиз ва Яқкасарой туманида 9,6 фоизни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишларининг асосий қисми, яъни 61,7 фоизни қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, турар жой ва яшаш учун мўлжалланган биналар қуриш ҳамда яшаш учун мўлжалланмаган биналарни қуриш бўйича амалга оширилган қурилиш ишларидан ташкил топди. Фуқаролик объектлари қурилиши ва ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳажми ҳам ўтган йилга нисбатан кўпайган ҳолда ҳамда нисбатан 38,3 фоизни ташкил қилди.

Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси

Халқ депутатлари Чилонзор тумани Кенгашининг ҚАРОРИ

2020 ЙИЛ УЧУН ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунга (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2020 йилда Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетлари бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини худудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Қонуннинг 18-моддасига асосан 2020 йил учун Чилонзор тумани маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Чилонзор тумани Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2019 йил 13 декабрдаги “2020 йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги 521/63-5-сонли қарори (кейинги ўринларда Қарор деб аталади) маълумот ўчун қабул қилинсин.

2. Қонунга асосан 2020 йилда:
а) Қуйидаги солиқ турлари Чилонзор тумани маҳаллий бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:
жисмоний шахслардан олинган мол-мулк солиғи;
жисмоний шахслардан олинган ер солиғи;
жисмоний шахсларнинг мол-мулкларини ижарага беришдан олинган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда яқна тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланган даромад солиғи;
сўв ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланган солиқ мустасно.

б) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар Тошкент шаҳар ва Чилонзор тумани маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланади:
яқиний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи;
айланмадан солиқ;

айрим товарларни чакана савдосига бериладиган ҳуқуқ учун ундириладиган йиғимлар;

мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солигидан тўшулар тегишли равишда 2019 йил 1 июль ҳолатига қўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолисининг республика аҳолисидаги улушига мувофиқ.

в) Қуйидаги харажатлар республика бюджетидан молиялаштиришга ўтказилди:

умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги орқали (ушбу муассасаларнинг туртинчи гуруҳ харажатлари тегишли туманлар маҳаллий бюджетлари ҳисобидан амалга оширилади).

г) Қуйидаги харажатлар Чилонзор тумани маҳаллий бюджетидан молиялаштиришга ўтказилди:
фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланадиган ижтимоий нафақаларни тўлаш харажатлари; давлат санитария-эпидемиология назорати тумани марказини сақлаш харажатлари.

3. Қарорнинг:

4-иловасига мувофиқ, Чилонзор тумани бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари тасдиқланганлиги;

7-иловасига мувофиқ 2020 йил учун Чилонзор тумани бюджетига йўл қўйиладиган айлана касса маблағларининг энг кам миқдори 1 620 360,0 минг сўм этиб белгиланганлиги маълумот ўчун қабул қилинсин.

4. 2020 йил учун Чилонзор тумани маҳаллий бюджетни даромадлари прогнози 1-иловага мувофиқ маълумлансин.

5. 2020 йил учун Чилонзор тумани маҳаллий бюджетдан бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. 2020 йил учун Чилонзор тумани бюджетига захира жамагармаси ҳажми 1 719 302,0 минг сўм қийматда белгилансин ҳамда захира жамагармаси маблағларини тумани бюджетига кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазириятларга амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

7. Чилонзор тумани ҳокимлиги, тумани молия бўлими ва бюджет маблағларини тақсимловчилари:

тумани бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озик-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар учун харажатларнинг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини назарга олсин;
ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойнинг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга бюджет маблағларини тақсимловчилари кесимида молиявий ҳисоботларни ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

тумани маҳаллий бюджетнинг қўшимча маблағларининг қамда 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилиши таъминлансин ҳамда веб-сайтларга уларнинг натижаларини жойлаштрин.

8. Чилонзор тумани ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Тошкент шаҳар ҳокимлигига харажатларни мабуллаштириш билан бирга қиритилган мурожаатига асосан тартибга солуви бюджетларро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан таклифлар киритади.

9. Чилонзор тумани ҳокимлиги:

Қонуннинг 24-моддасига асосан, тегишли равишда бюджет маблағлари тақсимловчиларининг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини Кенгашга киритилишини таъминлансин.

бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичлари бўйича бажариллигини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салохиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар қўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш устидан қатъий назоратни ўрнатиш учун тумани Кенгашига доимий равишда маълумот киритиб борсин.

Халқ депутатлари Чилонзор тумани котибияти мудирини (Л.Муротова), тумани ҳокимлиги Ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлимини (Б.Абдухамидов) ва Матбуот хизмати (М.Болиева):

Мазкур қарор “Тошкент оқшони”, “Вечерний Тошкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.chilonzor.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

10. Қонуннинг 20-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ Тошкент шаҳар бюджетни, туманлар бюджетларининг қўшимча маблағлари биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустақамлашга йўналтирилиши белгиланганлиги мустақам олсин.

11. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб қуча қиради.

12. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Чилонзор тумани Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорлиқни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва Чилонзор тумани ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Чилонзор тумани Кенгаши раиси ўринбосари О.Ахмедов

2019 йил 18 декабрь

Абдулла Қодирий халқ учун илм-маърифат ҳаводек зарур бўлган, юрт тепасида жоҳил шахслар эгалик қилаётган бир замонда яшаб ўтди. Яратган қаҳрамонлари орқали халқни ўтган кунлардан сабоқ олишга, ўз орамиздаги меҳробдан чиқаётган чаёнлардан эҳтиёт бўлишга чақирди. Миллатнинг ҳар бир хонадонига Отабек, Кумуш, Анвар, Раънолар қиёфасида кириб борди, улар тақдири орқали халқни ўйлатди, йиғлатди, юпатди. Ҳаёти тазийқлар, хавф-хатарлар остида қолса ҳам миллати учун ёшидан тўхтамади...

Машаққатга тўла болалик...

Ақсарият буюк инсонлар, даҳо ижодкорларнинг болалиги кўп машаққатли, қийинчиликлар гирдобидида азобли кечган. Абдулла Қодирий ҳам болалигини маънос хотиралар билан эслаган.

"Мен қайси йилда ва ойда туғилганимни билмайман. Ҳар ҳолда бемавридрок бўлса керак, камбағал бог-бонлик билан кун кечирувчи бир оилада, ақилларимнинг сўзларига қараганда мустабид Николайнинг тахтага ўтирган йилда туғилганман", деб ёзади Қодирий ўз таржимаи холида.

Тарихда ёзилганча, Николай подшоҳ 1894 йилда тахтга ўтирган. Шунга қарамай баъзи архив ҳужжатларида, хусусан, анкеталарда Абдулла бобоми туғилган йилини 1895, баъзан 1896, ҳатто 1897 йил, деб ҳам кўрсатган.

Ёзувчининг ўғли Ҳабибулла Қодирий ўз хотираларида шундай эслади: "Қай бир вақт дадамдан "Қайси ой-кунда туғилгансиз?" деб сўраганимда, у киши қулиб "Урик гулида туғилганман. Тахминан 10 апрелда бўлса керак" деганлари ёдимда...

Уша йиллари Қодирийлар оиласида иқтисодий танглик ҳукм суради. Бу вақтда Қодир бобо етмишдан ошиб, анча куч-қувватдан қолган, оиланинг доимий даромади йўқ эди. Тўнғич ўғли Раҳимберди энди 15 ёшга кирган, қўлидан ҳали дурустроқ иш келмасди, боғдан олинган даромад эса беш жоннинг еб-ичишига аранг етарди.

Бу ҳақда Абдулла Қодирий шундай ёзади:

– Бошида бой оилада туғилдимми ёки камбағал оиладами, албатта, билмадим. Аммо ёшим 7-8 га етган, қорним ошга тўймаганидан аниқ билдимки, беш жоннинг томоғи фақат 80 ёшли бир чол отамнинг меҳнатидан, 1300 саржин боғнинг ёзда етиштириб берадиган ҳосилидан келар экан. Агар баҳор ёмон келиб, бог мевалари офатга учраб қолса, биз ҳам очликка дуч келиб, киши билан жоврашиб чиқар эканмик.

Эҳтимол шунинг учун ҳам Қодирий асарларида халқнинг оч-нақор, оғир ҳаёти ниҳоятда ишонарли, табиий тасвирлангандир.

Биринчи қадам...

Абдулла Қодирийнинг матбуотдаги илк чиқиши 1913-1914 йилларга тўри келади. Манбаларга қўра, унинг биринчи мақоласи 1914 йил 1 апрелда, "Садоий Туркистон" газетасида "Янги мажид ва мактаб" сарлавҳаси билан бо-силлиб чиқади.

Ҳали ёш ёзувчи илк ижодини кичик-кичик мақола, хабарлар ёзишдан бошлаган.

Ижодий ўсиш

Қодирий 1914-1916 йилларда "Бахтсиз кувёв", "Жувонбоз", "Улоқда", "Жинлар баъзи" каби қатор жиддий, бадий жиҳатдан пишқ, ҳатто шу кунларда ҳам севиб ўқилади-ган асарларни яратди. Бу асарларни ёзишга илҳомланган омилар хусусида адиб шундай дейди:

– "Падаркуш" пьесаси таъсирида "Бахтсиз кувёв" деган театр китобини ёзиб юборганими ўзим ҳам пайкамай қолдим. Яна шу йилда театрларда чиқиб турган ҳикоя ва романларга тақлидан "Жувонбоз" отлик ҳикояни ёзиб, ношир топилмаганидан ўзим нашр қилиб юбордим. Энди чин му-саниф бўлдим, деб қувонар эдим...

Шу залда, зўр қудрат билан миллий адабиётимиз сари навқирон, аммо жуда катта иқтидор, ижодий салоҳиятига эга миллат ёзувчиси шиддат билан кириб келмоқда эди.

Филология фанлари доктори Эргаш Рустамов таникли шарқшунос олим Евгений Эдвардович Бертелс билан Аб-дулла Қодирий ҳақидаги суҳбатини шундай эслади: "Мен Қодирийнинг "Уткан кунлар" романини 1925-1926 йиллар-да Тошкентдагиимда ўқиганман. У улғур романи, – деди устод ва ўрнидан туриб, жавондаги китоблар орасини ти-мирсиллаб, иккита китоб олди ва жойига ўтираркан менга узапти. Китобларнинг иккиси ҳам менга таниш, жадид алиф-босида босилган "Уткан кунлар" ва "Меҳробдан чаён" ро-манларининг биринчи босмаси эди. Китобларнинг кўп са-ҳифаларида ҳошиясига устод қўли билан баъзи ўзбекча сўзларнинг русча маънолари ва қандайдир бошқа бир хил изоҳ-ишоралар ёзилган эди. Устод сўзида давом этиб: – Эрон, турк, араб ёзувчиларининг ҳам кўпгина романилари бор. Лекин уларики услуб жиҳатдан инглиз, француз, не-мис романчилик мактабларидан унча фарқ қилмайди, улар-

Афсуски, орамизда 20-йиллар адабиётимиз тарихини обод қилишга фашлик қилаётган, ҳатто тўсқинлик қилмоқчи бўлган одамлар ҳам бор. Фашлик қилаётган одамларнинг бир тоифасини ўлимтик еб тириклик қилаётган кузгунга ўхшатиш мумкин, кўзини чўкишга чоғланиб турганда ўлик қимирласа, хусусан, бо-шини кўтариб, ўрнидан турса, албатта, норози бўлади, яна йиқилишини кутади, қағиллаб унинг боши узра айланади. Фашлик қилаётган одамларнинг бошқа бир тоифаси шўх-ратпараст қалам аҳилларидан бўлиб, "ўликлар" тирилса, ҳозир адабиётда ишғол қилиб турган ўрни "пойгак"роқ бўлиб қолишидан қўради. Холбуки, айтилган адиб ва шо-ирлар сафга қайтса, ҳеч кимни ўрнидан тургазмайди, ўзи-нинг бўш турган ўрнига ўтиради, чунки адабиётда ҳеч қачон биров бировнинг ўрнини ололмайд, ҳар ким қобилияти, қилган хизмати, қай даражада китобхоннинг қўнглини ол-ганига қараб ўзининг муносиб ўрнини эгал-лайди...

Бизнинг вазирамиз, буларнинг ҳамма-сини жой-жойига ўтказиб, 20-йиллар ада-биёти тарихининг гўзал манзарасини тик-лашдир".

Мақсуд Шайхзода:

– Абдулла Қодирий билан танишганим-га қадар – 1932 йилгача ҳам унинг номи менга яхши таниш эди. 20-йилларнинг охирида ва 30-йилларнинг бошларида муаллимнинг икки романи – "Уткан кунлар" билан "Меҳробдан чаён"и жуда катта шов-шувлар-га сабаб бўлди...

Боз устига, тахминан, 1927 йил Абдулла Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" романи Холид Саид томонидан озар тилига таржима қилиниб, Боку шаҳрида чоп этилди-ю ёзу-чи Озарбойжонда ҳам машҳур бўлиб кетади.

Абдулла Қодирий бекорга шўхрат қозонмаган эди. Ҳамма гап шундаки, ўтмишда ўзбек адабиётида роман жанри йўқ эди. Абдулла Қодирий ўзи фойдаланиши мумкин бўлган қардош халқлар адабиётларининг, хусусан, озарбойжон, та-тар, ўрис адабиётларининг тажрибаларидан фойдаланиб, биринчи ўзбек романини – Европа адабиёти мезонлари билан ўлчанадиган романи яратди. Абдулла Қодирий ана шу романлари билан фақуллода истеъдод соҳиб, йирик асарлар устаси эканини исботлади. Романлар жуда катта бадий ва тарбиявий аҳамиятга моликдир...

Абдулла Қодирийнинг юксак бадий қимматга эга бўлган романи мусодара қилиниши натижасида ўзбек Шўро ада-биёти тарихи камбағаллашиб қолди ва тарбиявий ишларга – халқимизнинг муносиб ўринбосари бўлиши ёш авлодни бўзаликка ошнолик, билимдонлик руҳида тарбиялашдек олийжаноб ишларимизга мисли қўрилмаган даражада зар-рар етказилди.

Абдулла Қодирийнинг адабий мероси мустикалик йил-ларида яна қайтадан илмий, бадий жиҳатдан ўрганила бошланди, асарлари минглаб нусхада дунё кўзига кўрди. Қодирийнинг меҳнатларини халқимиз унутмади. Адиб "Му-стақиллик" орденига биринчи бўлиб лойиқ қўрилди. Биз адибнинг улкан бадий меросини янада бойитишда масъ-улимиз.

Мақолани тайёрлашда Ҳабибулла Қодирийнинг "Отам ҳақида", Набижон Боқийнинг "Қатнома" китобларидан фой-даланилди.

Инобат АҲАТОВА

ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ АСОСЧИСИ

да тақлидчилик жуда устун. Абдулла Қодирий ҳам кўпгина романчилик мактабларидан истеъфодланган, уларни чу-қур ўрганган бўлиши мумкин. Аммо унда тақлидчилик кўринмайди. Қодирий романилари бутун тарихи билан ўзига хос услубда ёзилган ўзбек романларидир. Дунёда 5 та, яъни француз, рус, инглиз, немис ва ҳинд романчилиги мактаблари бор эди. Энди олтинчиси, яъни ЎЗБЕК роман-чилиги мактабини Абдулла Қодирий яратиб берди" дея ёзув-чи истеъдодини юксак эътироф этади.

Эргаш Рустамов Мухтор Аёзов фикрини ҳам келтириб ўтади: "Абдулла Қодирий юксак романлар яратди. Унинг романилари 1920 йилларда, гўё текис саҳрода тўсатдан "По-мир" тоғлари вужудга келгандай пайдо бўлди. Қодирий асарларини Қурмонғози ёки Чайковский кўйларини тингла-гандай дам олиб, мириқиб, гашт қилиб ўқийсан, киши... Гарчи Жулқунбой 1920 йиллар бошида матбуотда газетчи, публицист бўлиб танилган бўлса ҳам, унинг романларида газетчилик, журналичилик тили сира из қолдирмаган. Унинг тили равон, ширали, муслиқий, менимча, ҳамма Урта Осиё халқларига ҳам таржимонсиз тушунарли. Масалан, биз қозоқлар Жулқунбой асарларини таржимасиз ҳам бемалол ўқиб тушунаверамиз".

Қодирий замондошлари хотирасида

1964 йил Абдулла Қодирий таваллудининг 70 йиллиги тантанали равишда нишонланди. Устоз хотирасига бағиш-ланган кечаларнинг бирида Абдулла Қаҳҳор оташин нутқ сўзлайди. Губоҳларнинг нақл қилишича, Абдулла Қаҳҳор ҳеч қачон бу қадар тўлиб-тошиб, бир соатдан ортқ гапир-маган экан. Афсуски, Қаҳҳорнинг "қозғога қарамасдан" сўзлаган ўша нутқининг тўлиқ матни йўқ, фақат нутқ қора-ламаси кейинчалик эълон қилинган, ҳолос.

Абдулла Қаҳҳор: – Ўзбек элининг севикили адиби Абдулла Қодирий ман-фаатпараст, мартабапараст одамларнинг чақуви билан са-фимиздан қилиб олинган эди.

"МАҚОМ ЙЎЛЛАРИДА ЯРАТИЛГАН ЭНГ ЯХШИ АСАР" ТАНЛОВИ ҲОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрида "Мақом йўлларида яратилган энг яхши асар" республика танлови ҳолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тантанали тадбирда сўзга чиққан Ўзбек миллий мақом санъати маркази бош директори Соибжон Бегма-тов бугунги кунда мақом санъати ривожини йўлида қили-наётган ишлар ҳақида гапирди.

Бу йил илк бор ўтказилган мақом танлов ўзбек му-сика ижрочилиги маданиятини янада юксак даражага кўтариш, миллий мақом санъатимизни дунё саҳнасига олиб чиқиш, иқтидорли ёшларни кашф этиш, рағбат-лантириш ва уларнинг ижодини тарғиб қилиш мақса-дида ташкил этилди.

Мутахассислар фикрича, танлов, ўз навбатида, мақ-ом ижрочиларининг истеъдоди ва ижодий қобилия-тини кенг намоён этиш, уларнинг ижрочилик кўникма-ларини янада ривожлантириш, ижодкорлар орасида мақом санъатига бўлган қизиқишни оширишга ҳам хиз-мат қилади.

– Танловда "Сеғоҳ" мақом йўлида яратилган аса-римиз билан иккинчи ўринни қўлга киритдик, – деди Ўзбекистон халқ ҳофизини Эркин Рўзиматов. – Мақомга қанчалик яқинлашган сайин уни шунчалар кучли ан-г-

лайсан, бутун борлигини билан хис қилиш даражаси-га эришасан. Мақом шундай нодир нарсаки, у киши қалбини маҳв этади, сўнг эзгулик сари бошлайди. Мана 40 йилдан буён шу санъатнинг сеҳрига ошфута бўлиб юрибмиз. Танловларнинг катта-кичиги бўлмай-ди. Ижодкорга оддий рағбат ҳам бир дунё илҳом бе-ради.

Танловда бастакорлар ўртасида "Мақом йўлларида яратилган энг яхши асар", композиторлар ўртасида "Миллий мақомлар асосида яратилган замонавий йўна-лишдаги энг яхши саҳна асари", мусиқашунослар ўрта-сида "Мақом соҳасида яратилган китоблар" йўналиш-лари бўйича ҳам ҳолиблар тақдирланди.

Танлов ҳолиблари диплом ва пул мукофоти билан тақдирланди. Ҳолиблар 2020 йил сентябрь ойида II Ха-лқаро мақом санъати анжуманида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

"Мақом йўлларида яратилган энг яхши асар" ре-спублика танлови икки йилда бир марта ўтказилади.

(ЎЗА)

ТАРЖИМАШУНОСЛИКНИНГ БУГУНИ ВА ИСТИҚБОЛИ

Бугунги кунда глобаллашув жараёнлари, илм-фан, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ҳамда халқаро муносабатлар кенгайиб бораётгани, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматни томонидан қабул қилинган Қарор ва Фармойишларда таржимашуносликни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалаларга эътибор қаратилмоқда.

Кўни кеча Тошкент давлат шарқ-шунослик институтида таржимашу-носликнинг долзарб масалалари муҳокамасига бағишланган "Ўзбе-кистон таржимашуносликни Форуми – 2019" мавзусида Республика ми-қёсидаги илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

2012 йилдан буён ўтказилаётган таржимашунослар анжумани 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон таржи-машунослари форуми деб номлана бошланди. Форумнинг Шарқшуно-слик институтида ўтказилаётгани бе-жиз эмас. Институтида 2011 йилда очилган "Таржимашунослик" кафедр-асида 2012 – 2017 йилларда тар-жима илмини ривожлантириш бил-ан боғлаб икки йирик амалий лойиҳа бажарилган. Профессор-

мий чиқишлар тақдим этилди.

Форум материалларининг илмий мақолалар тўплами нашр қилиниб анжуман арафасида иштирокчилар-га тарқатилганлиги тажриба ва фикр алмашши, истиқболдаги ва-зифаларни белгилашда, савол-жа-воблар учун кенг имкониятлар ярат-ди. Шу билан бирга бу тўплам ёшларнинг соҳага оид биллимири-ни оширишда, илмий ишлари мав-зуларини белгилашда қўл келади.

Форумда шунингдек, "Таржима-шунослик кафедраси мудири Х.Ҳамидов ва кафедра ўқитувчиси Ш.Ҳасановаларнинг "Русча синхрон таржима терминалларининг ўзбек-ча изоҳли луғати" тақдироти ҳам ўтказилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Янги қонун

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР ЯРАТИЛАДИ

Олий Мажлис Сенатининг йигирма бешинчи ялпи мажлисида "Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги қонун сенаторлар томонидан маъқулланган эди. Давлатимиз раҳбари мазкур қонунни имзолади.

Қонун мақтабгача таълим ва тарбия соҳасидаги муно-сабатларни тартибга солишга йўналтирилган. Унда со-ҳага оид таъин тушунчалар билан бирга мақтабгача таъ-лим ва тарбиянинг асосий принциплари белгилаб бе-рилди.

Ушбу принципларга қуйидагилар кирди: ҳар бир бола учун мақтабгача таълим ва тарбия олиш имкония-тининг мавжудлиги; ҳар бир боланинг истеъдоди нишо-наларини, иштиқлари ва қобилиятларини ривожланти-риш учун шарт-шароитлар тенглиги; мақтабгача таълим ёшдаги болаларга таълим, тарбия бериш ва уларни со-ғломлаштиришнинг, оила ҳамда мақтабгача таълим таш-килоти тарбиявий таъсирининг бирлиги; мақтабгача бўлган ёшдаги болаларга таълим ва тарбия бериш уйғ-унлиги; боланинг шахсини ривожлантиришга йўналти-рилган шахсий ёндашув; мақтабгача таълим ва тарбия-нинг изчиллиги ҳамда улзуқислилиги; таълим ва тар-биянинг демократик ҳамда дунёвий хусусиятга эгаллиги; таълим-тарбия жараёнининг шаффофлиги ва очиқлиги; мақтабгача таълим ва тарбия мазмуни, даражаси ҳамда ҳажимини мақтабгача бўлган ёшдаги болаларнинг ри-вожланиш хусусиятларига ҳамда соғлиғи ҳолатига муво-фиқлиги.

Қонунда мақтабгача таълим ва тарбия соҳасидаги дав-лат сиёсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, мак-табгача таълим ва тарбия олишга доир давлат қафолат-лари белгиланган.

Мақтабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат сиё-сатининг рўёбга қилиниши Вазирлар Мақамаси, Вази-рлар Мақамаси ҳузуридида Таълим сифатини на-зорат қилиш давлат инспекцияси, Мақтабгача таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ўз тасаруфига мақтабгача таълим ташкилотлари бўлган соҳа дав-лат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари амалга ошириши белгилаб қўйил-ган.

Бундан ташқари, қонунда мақтабгача таълим ва тар-биянинг давлат стандарти, давлат таълим дастури, таъ-лим бериш тили, мақтабгача таълим ташкилотларининг иш режими белгиланган.

Мақтабгача бўлган ёш ва унинг даврлари, болаларни мақтабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш ва улар-дан чиқариш, гуруҳларни тўлдирish тартиби, парвариш-лашганлик, овқатлантириш ва уларга қараб турганлик учун тўланадиган ҳақ миқдорлари ҳам аниқлаштирил-ган.

Шунингдек, мақтабгача бўлган ёшдаги болаларни иж-тимоий ҳимоя қилиш белгилашган, у мақтабгача бўлган ёшдаги болаларга қараб туриш ва уларни таъминлаш-ни, уларнинг овқатланишини ташкил этишни, болалар-нинг соғлиғини сақлашни назарда тутди.

Шу билан бирга, қонунда мақтабгача таълим ташки-лотини бошқариш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартибига оид нормалар назарда тутилган. Жумладан, улар ким томонидан бошқарилиши ва уларнинг вако-латлари, мақтабгача таълим тизимининг илмий-услубий таъминоти ва мақтабгача таълим тизимини илмий-услу-бий жиҳатдан таъминлаш вазифалари очиб берилган.

Қонун таълим тизимида тўплаган муаммоларни бар-тараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш, таълим тизимини тубдан яхшилаш ва таълимни халқаро ҳамжа-мият билан интеграциялаш, шунингдек, таълим сифати-ни яхшилаш учун имкониятлар яратишга хизмат қилади.

Зайниддин НИЗОМУЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни
сақлаш масалалари қўмитаси раиси

Янги йил яхши йил бўлиб кел!

Юнусобод туманидаги 21-Меҳрибонлик уйида Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан "Болажонларга қувонч улашиб..." номли хайрият тадбири ўтказилди.

Тадбирда қатнашган олимлар, фан ва жамоат ар-боблари болалар кўнглида юксак озулар уйғутув-чи, уларни эгзу мақсадлар сари чорловчи ибратли ҳикоялардан сўзлаб беришди. Суҳбатлар уюшти-рилди. Республика кўгирчоқ театри ижодкорлари тақдим этган томошалар, "Булбулча" болалар ашу-ла ва рақс ансамбли томонидан тайёрланган қўшиқ ва рақслар даврага ўзгача фойда улашди. Болалар биргаликда рақс тушиб, қўшиқ қўйлашди.

– Янги йил яхши йил бўлиб келишини хоҳлай-ман, – деди Юнусобод туманидаги 21-Меҳрибон-лик уйи 7-синф ўқувчиси Темур Усмонов. – Тунги Тошкент шаҳри бўйлаб оилавий сەҳнат қилиниши, яхши ва янги дўстлар орттиришни истайман. Дарсдан бўш вақтларимда футбол билан шуғулла-наман. Ҳафтада уч кун машғулотларда чиниқа-миз. Келажакда ўзбек футболини юқори поғонага чиқаришни орзу қиламан. Машғулот раҳбаримиз-нинг айтишича, буни биз урдалаймиз. Дунё та-ниган футболчиларнинг аксарияти оддий оиладан чиққан, кўп қийинчиликларни бошидан ўтказган экан. Ҳаётда ҳеч нарса беҳизга бўлмайди. Мен ўз келажгимни футбол билан боғлайман ва ул-кан зафарларни забот этишга астойдил ҳаракат қиламан.

Даргоҳда 137 нафар ўғил-қиз таҳсил олаётган бўлса, уларнинг 30 нафари 7 ёшга тўлмаган бола ҳисобланади. Тадбир ташкилотчилари шуни ино-батга олган ҳолда фаол қатнашган ўғил-қизларга ёшларига мос эсдалик совғалар топширди. Меҳри-бонлик уйи кутубхонаси учун ўзбек ва жаҳон бола-лар адабиёти дурдоналаридан намуналар ва мах-сус китоблар тақдим этилди.

Диллобар МАМАТОВА



КАСБЛАР ОЛАМИГА САЁҲАТ

Биз ўқитувчилар болаларга таълим-тарбия берибгина қолмай балки ёшиққан турли хил касбларга қизиқтириб боришимиз муҳим ҳисобланади.

Айнан хайрли мақсадларни кўзлаган Ми-робод туманидаги 125-мактабда ҳам шун-дай ижодий ишлар амалга оширилмоқда. Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган "Касблар олами" деб номланган тадбир ҳам шулар жумласидан. Унда ўқувчилар ўзлари қизиққан касбларга бағишланган шеър, қўшиқлар айтишди ҳамда саҳна кўринишлар-ини намойиш этишди.

Ҳар бир шахс ҳаётда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилади. Инсон ҳар тонг уйғонгани-да мажбурлигидан эмас мамнуният билан ишга йўл олиши аслида бир бахт. Айнан шун-нинг учун ҳам инсоннинг танлаган касби ҳаётда алоҳида аҳамиятга эга.

Ўтказилган тадбир эса келажак авлодни "Ким бўлсам экан?" дея ўйлантираётган сав-волга жавоб топишга ёрдам беради, деб ўйлайман. Энг асосийси ўқувчилар олди-ларига мақсад қўйиши ва унга интилиши му-ҳим. Мактабда олаётган билимлари эса бу мақсадни амалга оширишда ёрдам беради. Ишониб айтиш мумкинки ўқувчиларимиз ўзи севган касбни эгаллаб, ҳаётда ўз ўрнини топишади. Таълим-тарбия берган биз, ус-тозлар эса бундан фахрланиб юришимизга умид билдираман.

Гулчеҳра АҲМЕДОВА

Яна бир неча кундан сўнг 2019 йилни тарих саҳифасига муҳралимиз. Уятдан йил мамлакатимизда спорт ҳаётида жуда катта воқеаларга, ўзига хос рекордлар, янги-янги ташаббусларга бой бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус ва унинг доирасида амалга оширилган ишлар, ўтказилган оммавий мусобақалар, бир қатор спорт турлари бўйича хорижий мураббий ва мутахассисларнинг жалб қилиниши, халқаро турнирларда, китъа ва жаҳон чемпионатларида юртимиз спортчиларининг эришган натижалари Ўзбекистоннинг 2019 йилдаги жисмоний тарбия ва спорт ҳаритасини белгилаб берди.

Орта қолмаётган йилда ўзбек боксчиларининг эришган натижалари барчасидан ўзгача, шарафли кўриниш олгани шубҳасиз. Айниқса, Россиянинг Екатеринбург шаҳрида ўтган жаҳон чемпионатида эришилган оламшумул натижа (3 та олтин, 1 тадан кумуш ва бронза) чет эл спорт жамоатчилиги, экспертлари томонидан юқори баҳоланди. Америка, Европа ва Осиёнинг етакчи спорт, бокс нашрлари, интернет тармоқлари ҳақида ҳақиқатан ҳам ўзбекистоннинг боксдаги эришган ютуқларини турли талқинларда таҳлил этишмоқда.

Россиянинг AllFight.Ru сайты иқтибос келтирди: "2019 йил ўзбек боксчиларининг эришган натижаси жуда юқори бўлди. Бу ёшларга катта эътибор, яратилган шарт-шароит, энг асосийси, ишнинг профессионал ташкил этилганлиги самарасидир. Энди ўзбек боксчилари халқаро рингда нафақат битта рақиб билан, балки жаҳон бокс жамоасига қарши етакчилини ушлаб туриш учун курашади. Бошқа жиҳатдан улар (Ўзбекистон) халқаро майдонда ўз сўзи борлигини яна бир бор кўрсатиб қўйди".

Козогистонлик таниқли спорт журналисти Ербол Каиров "Нима учун Ўзбекистон Козогистонни орта қолдирди", деган мақоласида Екатеринбургда ўтган жаҳон чемпионати хусусида сўз юритиб, ҳар қили қўшни мамлакат спортчилари, мутахассислари, яратилган шарт-шароитлар, боксчиларнинг техник-тактик тайёргарлиги ва бокс хусусиятларини атрофича таҳлил қилади. Ўзбекистон спортчиларида ватанпарварлик тамойиллари кучли ва бу тўғрисида шакллантиришда тизимли, аниқ дастурлар асосида иш олиб борилаётганлигини эътироф этади.

Шунингдек, АҚШнинг интернет наشري FIGHT newснинг эълон қилган материалда келтирилишича, Ўзбекистон ҳаваскорлар боксида жаҳоннинг етакчи давлатига айланган. Океанорти ҳаммасларимиз эълон қилган рейтингда Ўзбекистон биринчи ўринда келтирилган бўлса, биздан кейинги поғона – Козогистон, Куба, Россия, Озарбайжон, Франция терма жамоалари ҳақда. Шу ўринда таъкидлаш лозим, ушбу рейтинг жаҳон чемпионатидан бир кун олдинроқ эълон қилинганлигини ҳамда Марат Курбонов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоасининг Екатеринбургда кўлга киритган медаллари қўшиб ҳисобласак, вакилларимизнинг жаҳон рейтингидagi ўрни бунданда мустақам бўлганлиги ойдинлашади.

Инсонни қийин аҳволга туширадиган, руҳан эзадиган ҳолатлар ичда энг оғир адолатсизлик ҳисобланади, дейиш мумкин. Унинг бир илдизи коррупция билан боғлиқ бўлиб, бу шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишида ифодланади.

Коррупция бу жамиятни турли йўللар билан исканжага олади дашхатли иллатдир. Мазкур иллат демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказиши, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб қелади, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қилади, ҳаёт сифатини ёмонлаштирилади ва одамлар ҳавфсизлига таҳдид солади деган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб беради.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу зарарли ҳодиса катта ва кичик, бадавлат ва камбағал бўлишидан қатъи назар, барча мамлакатларда учрайди. Ушбу иллатни бартараф этиш бўйича жаҳон ҳамжамияти томонидан бир қатор самарали ишлар амалга оширилган бўлса-да, ҳанузгача у бартараф этилмапти.

Коррупциянинг тарихий ўзақлари жуда қадимга бориб тақалиб, бу ҳол қабилада маълум мавқега эга бўлиш учун қабила сардорларига совғалар бериш одатидан келиб чиққан деб таҳмин қилинади. Ушбу даврларда бу нормал ҳолат сифатида қабул қилинган. Бироқ давлат аппаратининг мураккаблашуви ва марказийлашуви коррупциянинг давлат ривожланишига катта тўсик эканлигини кўрсатибди. Коррупцияга қарши курашган биринчи давлат сифатида қадимги Шумер давлати тан олинади. Қадимги давлатларни айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг порахўрлиги қаттиқ ташвишга солганлиги бизга сақланиб қолган манбалардан маълум. Чунки бу ҳолат давлатнинг обрўсига жуда қаттиқ путур етказарди. Дунёнинг етакчи динларида ҳам биринчи навбатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг порахўрлиги қаттиқ қораланади. Қуръонда "Бошқаларнинг мулкни ноҳақ йўл билан олмангиз ва бошқаларга тегишли бўлган нарсаларни олиш учун ўз мулкнингиздан ҳоқимларнингизга пара қилиб узатмангизлар" дейилган.

Давлат органлари фаолиятида қонунийлигини таъминлаш муҳим жараён бўлиб, бу жараёнда асосий вазифалардан бири коррупция билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш, унга йўл қўймай ҳақда бундай салбий иллатга қарши самарали кураш олиб боришдир.

Юртимизда коррупциянинг олдини олиш, фож этиш ва унга қарши курашиш борасида ташкилий-ҳуқуқий чоралар амалга оширилиб, коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий механизми яратилди. Хусусан, 2017 йил 4 январдан Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни кучга киргани бу борадаги муҳим қадам бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган мазкур қонун коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос яратди. Бу давлат органлари, ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилган коррупцияга қарши чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг намоён бўлишига йўл қўймай, фуқароларнинг ҳуқуқий оғи ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупциянинг барча шаклларида нисбатан мурасасиз муносабат қарор топади. 34 моддадан иборат қонунда, аввало, коррупция билан боғлиқ тушунчалар берилган. Коррупция шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шах-



РАҚАМЛАРНИНГ "ТИЛИ" БОР

Бундай эътироф, таҳлилларни кўплаб келтириш мумкин. Аслида интернет тармоқларида, нашрларда ўзбек боксчилари, унинг навқир вакиллари Баҳодир Жалолов, Миразизбек Мирзахалилов, Шахобиддин Зоиров, Бобоусмон Ботировлар ҳақидаги фикрларни кунора учратиб турганимизга одатий ҳол сифатида кўникиб ҳам қолдик.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 30 сентябрь кuni Кўксаройда боксчилар билан учрашганларида 1999 йили АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионати голиби Ўткизбек Хайдаровнинг "Олимпиада ўйинларида бўлак спортчиларга ҳам омад тилайман", деган сўзларидан сўнг, "Бўлак деганини андиқонча тушуниш керак, бўлак дегани бошқа федерациялар ҳам уйғон дегани. Спорт бу жуда катта куч-қудрат, намуна. Биз илмга, спортнинг ҳар бир турига чанқок ёшларни ўз вақтида бағримизга олсак, бу ютуғимиз бўлади. Сизлар ҳам шунга интилинган, билганингизни ёшларга ўргатинганлар", дея таъкидлагандилар.

Ҳақиқатан, мамлакатимиз чарм қўлқоп усталарининг муваффақиятларида Ўзбекистон бокс федерациясида фаолият юритаётган ишчи-ҳодимларнинг, мураббий-мутахассисларнинг катта хизмати бор. Зотан, галабаларнинг бош омилли жиқлисида, жамоанинг ҳамжихатлигида, мураббий ва мутахассисларнинг яқдиллигида. Шу маънода Ўзбекистон бокс федерациясининг иш тажрибасини бошқа спорт ташкилотлари ўрганса, ибрат ола аргизулик жиҳатлар талайгина.

Иқтисодчилар рақамларнинг тили бор, деб бот-бот тақдорлашни хўш кўришади. Шу маънода рақамлар мурожаат этасак. 2019 йилнинг 2 февралда Ўзбекистон бокс федерациясининг навбатдан ташқари йиғи-

лиши ўтказилиб, унда Сакен Полатов Ўзбекистон бокс федерацияси раисининг биринчи ўринбосари этиб сайланди. Тақвим режага асосан вазифалар белгиланди. Мураббий ва мутахассисларнинг, спортчиларнинг халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этиши, юртимизда ўтказилиши лозим бўлган мусобақалар, семинарлар дастурлари ишлаб чиқилди.

Юртимиз боксчилари учун 13-20 февраль кунлари Болгариянинг София шаҳрида ўтказилган "Странджа" халқаро турнири йилнинг илк халқаро мусобақаси бўлди. Унда вакилларимиз 42 та давлат чарм қўлқоп усталари орасида 2 тадан олтин ва кумуш, 1 та бронза медалларига сазовор бўлиб, умумжамоада 3-ўринни эгаллади. Шундан сўнг, Қирғизистон, Исроил, Козогистон, Россия, Озарбайжон, Мўғулистон, Таиланд, БАА, Хитой, Беларусь, АҚШ, Франция каби қатор давлатларда ўтказилган нуфузли халқаро мусобақаларда вакилларимизнинг юрт оғи учун шиддатли жанглари бошланди. Эътиборлиси, йил мобайнида хорижий мамлакатларда ўтган бирон бир турнирдан спортчиларимиз медалсиз қайтишмади. Бу бугунгача кўлга киритилган медалларнинг сони ва сифатида ҳам ақс этган. Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси 2019 йил давомида 75 та олтин, 37 та кумуш ва 76 та бронзага эга бўлган.

Айтишга осон. Аммо, жаҳон ва китъа чемпионатлари, Бутунжаҳон армия ўйинлари, ёшлар ва ўсмирлар ўртасидаги жаҳон биринчиликлари ва бошқа халқаро турнирлар нуфузи ва бу мусобақаларда ҳар бир медалнинг заҳмати не чоғли машаққатли эканлиги тасаввуф этилса, Ўзбекистон боксчилари эътироф жиҳатдан ҳам, рейтинг бўйича ҳам ва жаҳон чемпионатларидаги нати-

жалар кўринишида ҳам дунёнинг етакчи жамоасига ўз-ўзидан эришмаганлиги ойдинлашади. Албатта, бу давлат даражасидаги эътиборнинг, гамхўрликнинг, қолаверса, бокс соҳасидаги мураббий-мутахассисларнинг фидойилиги, спортчиларимизнинг жонфидолиги маҳсулидир.

Ҳақиқатан шундай. Журналист сифатида халқаро мусобақалардан келаётган спортчиларни кутиб олиш, кузатиш маросимларида қатнашамиз, мамлакатимизда ўтказилган турнир ва чемпионатларда иштирок этамиз. Ҳамма билади, турт кишининг бошини қовуштириб бир маросим ўтказиш қанчалик машаққат. Қўтилган, қўтилмаган вазиятлар рўй беради. Кўп ҳолатларга дуч келамиз. Очиги, мамлакатимизда спорт турлари бўйича бўладиган чемпионат ва турнирлар орасида бокс мусобақалари ўтказилиш жиҳатдан ҳам, тайёргарлик борасида ҳам, фахрий спортчиларга, бокс ишқибозларига муносабатда ҳам халқимизга хос бўлган меҳмоноволик, тақаллуф, эътибор қишга ўзгача кайфият бағишлайди. Бу жиҳатдан Ўзбекистон бокс федерацияси қўлларга ўрнак бўлиши шубҳасиз.

2020 йилда юртимиз спортчиларини, хусусан, боксчиларимизни ҳам катта довлор кутиб турибди. Жаҳон ва китъа мусобақалари, қатор халқаро турнирлар ва энг асосийси, Токио олимпиадаси йўланмасини кўлга киритиш ва унда муносиб иштирок этиш, етакчилини мардонавор Ҳимоя қилиш терма жамоа олдидаги катта вазифадир. Ишонамизки, шероқар боксчиларимиз барчасини урдалайди. Халқимизга хос собитқадамлик билан белгиланган шохсупаларда Ўзбекистон мадҳиясини баралла куйлайверади.

Тўлқин РЎЗИЕВ,
ЎЗА

сатининг устувор йўналишлари ўрта муддатли истиқболда куйидагилардан иборат экани белгиланди:

Жумладан, суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судьяларга ҳар қандай тарзда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш шарт-шароитларини истисно этиш, давлат хизматчиларини танлов асосида саралаш олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтарилишни шарт-шароитларини танлов асосида давлат хизмати тизимини шакллантириш, улар учун чекловлар, таққиллашлар, рағбатлантириш чоралари ҳамда коррупциянинг олдини олиш бошқа механизмларининг аниқ рўйхатини белгилаш, давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва уларнинг иш ҳақи етарли даражада бўлишини таъминлаш, шунингдек, давлат хизматини ўтатишда манфаатлар тўқнашуви ҳал этишининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш.

Шунингдек, коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни Ҳимоя қилишини самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш, аҳолининг ҳуқуқий оғи ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни кучайтириш, давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шафдофлигини ошириш, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш ва уларни коррупцияга қарши чораларни тайёрлаш, ўтказишда ва ижросини мониторинг қилишда иштирок этишга жалб қилиш.

Идоравий коррупцияга қарши курашишнинг самарали дастурларини амалга ошириш, уларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг очиклиги механизмларини жорий этиш, одоб-ахлоқ қонунчиликлари ривож этилиши ва манфаатлар тўқнашувининг олди олинишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни бажариш орқали тегишли соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон яратиб қўйиб, давлат ва шарт-шароитларни тағ-томири билан йўқотиш давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси ҳисобланади.

Қўшимча равишда коррупцияга қарши курашиш соҳасида жамоатчилик назорати механизминини самарали қўллашга йўналтирилган "Йул харитаси" лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Олий Мажлис палаталари олдидаги ҳисобдорлиги тартибини тақомиллаштириш, қарорлар қабул қилиш жараёнида фуқаролар иштирокининг шафдоф ва самарали усулларини жорий этиш кўзда тутилган.

Дарҳақиқат, коррупцияга қарши курашишда аҳолининг ҳуқуқий оғи ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муҳимдир. Таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия масалалари Қонуннинг 16, 17, 18-моддаларида ўз ифодасини топган. Чунки ҳуқуқий оғи ва ҳуқуқий маданияти юксак бўлган ва ҳуқуқий таълим ва тарбия жиҳатдан етук бўлган инсонлар салбий иллат бўлиши коррупцияга йўл қўймайдилар.

Шундай экан, ўзимизга хулоса қилишимиз, келажакки коррупциясиз биргаликда курашимиз, бунинг учун аввало ўзимизни ўзимиз тарбия қилишимиз, коррупциянинг ҳар қандай кўринишини бартараф қилиш учун биргаликда курашимиз зарурдир. Қабул қилинган Қонун эса давлат ва жамият тараққиётига салбий таъсир этувчи мазкур иллатга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмининг сифатида ҳисоб қилинади.

Фаррух ТУРАХОДЖАЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улугбек туман суди судьяси

Фармон ва ижро

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

олдини олишга доир чора-тадбирлар амалга оширилади. Коррупция оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарлигининг муқарраблиги тартибини таъминлаш ҳам шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 27 майдаги "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат коррупцияга қарши курашиш тизимини самарадорлигини ошириш, энг юқори даражадаги қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги иқтисодий обрў-эътиборини оширишга қаратилган. Фармон билан 2019 – 2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури қабул қилинди ва Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларура комиссиясининг янгилаган таржиби тақдидланди.

Қоржақолпонистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашилари, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашиларининг таркибида коррупцияга қарши курашиш комиссиялари ташкил этилади. Улар жойларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ишларнинг ҳолатини комплекс ўрганиш, жойларда коррупция кўринишлари намоён бўлишига олиб қеладиган тизимли муаммолар ва коррупциянинг ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Олий Мажлиси палаталарининг коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмиталарига ушбу соҳадаги фаолиятини тақомиллаштириш юзасидан тақлифлар киритган ҳолда мунтазам равишда ахборот бериб боради. Фармонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиё-

Тошкент Оқшоми Манзиллими: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
 ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55
 2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
 Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
 Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
 Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ
 Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz
 Буюртма Г - 1246
 Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
 Нашр кўрсаткичи — 563
 Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 1355 нускада босилди.
 Қоғоз бичими А-2
 Нашр учун масъул О. Ҳазратов
 Босишга топширилди: 14.20
 «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
 Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
 Топшириш вақти: 13.00

“HUMO ARENA” ЭНГ АҲАМИЯТЛИ ОБЪЕКТЛАР РЎЙХАТИГА КИРИТИЛДИ
Россиянинг спорт иншоотлари қурилиши, улардан фойдаланиш ва бошқариш масалаларига бағишланган етакчи журнали "Sport Build" 2019 йилда фойдаланишга топширилган спорт индустриясининг энг аҳамиятли объектлари рўйхатини тuzди.

Бу рўйхатга "Tottenham Hotspur Football Stadium" (Лондон), "Ференц Пушкаш" стадиони (Будапешт), "Лужники" Еув спорт турлари саройи (Москва) кабилар қаторида Тошкентдаги "ENTER Engineering Pte. Ltd" компанияси томонидан қурилган "Humo Arena" кўп функцияли муз саройи ҳам киритилди.

Биринчи муз саройи шобланган "Humo Arena"нинг қурилиши 2017 йилнинг февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган Ёш авлод салоҳиятини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида бошланган. Спорт мажмуаси спортни ривожлантириш, унинг қишки турларини омалаштириш ва спортчиларни янги, жаҳон даражасига олиб чиқиш ишларига катта туртки бўлди.

2019 йилнинг 15 март кuni "Humo Arena"нинг тантанали очилиш маросими бўлди, унда Ўзбекистон Президенти шахсан иштирок этиб, мамлакатда жисмоний жиҳатдан бакуват ва хар томонлама баркамол ёш авлодни тарбиялашга, жисмоний тарбия ва спортни фаол тарғиб қилишга алоҳида аҳамият берилаётганини таъкидлади. Унинг фикрича, ўзбекистонликлар ўзбек спортининг шонли аъналарини тиклаш ва давом эттиришни ўзларининг бурчи, деб биллади.

Тантанали очилиш маросими спортчилар ва санъаткорлар томонидан тайёрланган 3D-мўлпингдан фойдаланган аjoyиб шоу-дастурдан иборат бўлди. Афсонавий хоккейчилар ва фигурали учин чемпионлари маросим меҳмонлари бўлишди. Мусиқали шоу-дастурда машхур санъаткорлар чикди.

"Humo Arena" муз саройи 12,5 минг ўринли муз аренаси, кичик машгулотлар арена-си, спорт музейи, машгулот заллари, фитнес-марказ, ресторон ва спорт анжомлари дўконидан иборат. Хоккей, керлинг, фигурали учин, шорт-трек бўйича халқаро турнирлардан ташқари, арена спортнинг баскетбол, волейбол, гандбол футбол, бокс, таэквондо, қиличбозлик ва бошқа турлари бўйича мусобақаларни ҳам ўтказишга мўлжалланган. Бундан ташқари, бу ноёб трансфермер-арена бўлиб, инновацион технологиялар туфайли турли-туман шуолар – мумтоз музика концертларидан тортиб замонавий эстрада концертларини ташкил этиш имкониятига эга. Шунингдек, расмий форматдаги тадбирлар – йирик халқаро форумлар, анжуман ва кўргазмаларни ўтказиш учун ҳам етарли имкониятлардан ташқари, арена спортнинг баскетбол, волейбол, гандбол футбол, бокс, таэквондо, қиличбозлик ва бошқа турлари бўйича мусобақаларни ҳам ўтказишга мўлжалланган. Бундан ташқари, бу ноёб трансфермер-арена бўлиб, инновацион технологиялар туфайли турли-туман шуолар – мумтоз музика концертларидан тортиб замонавий эстрада концертларини ташкил этиш имкониятига эга. Шунингдек, расмий форматдаги тадбирлар – йирик халқаро форумлар, анжуман ва кўргазмаларни ўтказиш учун ҳам етарли имкониятлардан ташқари, арена спортнинг баскетбол, волейбол, гандбол футбол, бокс, таэквондо, қиличбозлик ва бошқа турлари бўйича мусобақаларни ҳам ўтказишга мўлжалланган. Бундан ташқари, бу ноёб трансфермер-арена бўлиб, инновацион технологиялар туфайли турли-туман шуолар – мумтоз музика концертларидан тортиб замонавий эстрада концертларини ташкил этиш имкониятига эга. Шунингдек, расмий форматдаги тадбирлар – йирик халқаро форумлар, анжуман ва кўргазмаларни ўтказиш учун ҳам етарли имкониятлардан ташқари, арена спортнинг баскетбол, волейбол, гандбол футбол, бокс, таэквондо, қиличбозлик ва бошқа турлари бўйича мусобақаларни ҳам ўтказишга мўлжалланган. Бундан ташқари, бу ноёб трансфермер-арена бўлиб, инновацион технологиялар туфайли турли-туман шуолар – мумтоз музика концертларидан тортиб замонавий эстрада концертларини ташкил этиш имкониятига эга.

Шунингдек, расмий форматдаги тадбирлар – йирик халқаро форумлар, анжуман ва кўргазмаларни ўтказиш учун ҳам етарли имкониятлардан ташқари, арена спортнинг баскетбол, волейбол, гандбол футбол, бокс, таэквондо, қиличбозлик ва бошқа турлари бўйича мусобақаларни ҳам ўтказишга мўлжалланган. Бундан ташқари, бу ноёб трансфермер-арена бўлиб, инновацион технологиялар туфайли турли-туман шуолар – мумтоз музика концертларидан тортиб замонавий эстрада концертларини ташкил этиш имкониятига эга. Шунингдек, расмий форматдаги тадбирлар – йирик халқаро форумлар, анжуман ва кўргазмаларни ўтказиш учун ҳам етарли имкониятлардан ташқари, арена спортнинг баскетбол, волейбол, гандбол футбол, бокс, таэквондо, қиличбозлик ва бошқа турлари бўйича мусобақаларни ҳам ўтказишга мўлжалланган. Бундан ташқари, бу ноёб трансфермер-арена бўлиб, инновацион технологиялар туфайли турли-туман шуолар – мумтоз музика концертларидан тортиб замонавий эстрада концертларини ташкил этиш имкониятига эга. Шунингдек, расмий форматдаги тадбирлар – йирик халқаро форумлар, анжуман ва кўргазмаларни ўтказиш учун ҳам етарли имкониятлардан ташқари, арена спортнинг баскетбол, волейбол, гандбол футбол, бокс, таэквондо, қиличбозлик ва бошқа турлари бўйича мусобақаларни ҳам ўтказишга мўлжалланган. Бундан ташқари, бу ноёб трансфермер-арена бўлиб, инновацион технологиялар туфайли турли-туман шуолар – мумтоз музика концертларидан тортиб замонавий эстрада концертларини ташкил этиш имкониятига эга.

Шунингдек, расмий форматдаги тадбирлар – йирик халқаро форумлар, анжуман ва кўргазмаларни ўтказиш учун ҳам етарли имкониятлардан ташқари, арена спортнинг баскетбол, волейбол, гандбол футбол, бокс, таэквондо, қиличбозлик ва бошқа турлари бўйича мусобақаларни ҳам ўтказишга мўлжалланган. Бундан ташқари, бу ноёб трансфермер-арена бўлиб, инновацион технологиялар туфайли турли-туман шуолар – мумтоз музика концертларидан тортиб замонавий эстрада концертларини ташкил этиш имкониятига эга. Шунингдек, расмий форматдаги тадбирлар – йирик халқаро форумлар, анжуман ва кўргазмаларни ўтказиш учун ҳам етарли имкониятлардан ташқари, арена спортнинг баскетбол, волейбол, гандбол футбол, бокс, таэквондо, қиличбозлик ва бошқа турлари бўйича мусобақаларни ҳам ўтказишга мўлжалланган. Бундан ташқари, бу ноёб трансфермер-арена бўлиб, инновацион технологиялар туфайли турли-туман шуолар – мумтоз музика концертларидан тортиб замонавий эстрада концертларини ташкил этиш имкониятига эга. Шунингдек, расмий форматдаги тадбирлар – йирик халқаро форумлар, анжуман ва кўргазмаларни ўтказиш учун ҳам етарли имкониятлардан ташқари, арена спортнинг баскетбол, волейбол, гандбол футбол, бокс, таэквондо, қиличбозлик ва бошқа турлари бўйича мусобақаларни ҳам ўтказишга мўлжалланган. Бундан ташқари, бу ноёб трансфермер-арена бўлиб, инновацион технологиялар туфайли турли-туман шуолар – мумтоз музика концертларидан тортиб замонавий эстрада концертларини ташкил этиш имкониятига эга.

Н.ЭДИДУЛЛАЕВА

Реклама ва эълонлар